

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 01 - сонли

{year} й. «{day}» {month}

{number}-сон

Тошкент вилояти.

"21" 09 2022 йил

“Тошкент вилояти Янгийўл тумани ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **М.Достонов** бир томондан ва **ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA** кейинги ўринларда “пудратчи”)номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Д.Фоипов** иккинчи томондан, бюджет маблағлари Тошкент вилояти Янгийул туман «Шодлик» МФЙ темир йул ёкасида болалар спорт майдончаси, воркаут ва болалар уйингохи барпо килиш (жихозлар урнатиш) хамда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларига доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23августдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 148668) эълон қилинган ва Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармасининг харид комиссиясининг 2022 йил 17 сентябрдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчига* ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчига* ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари ни ўз вактида қабул килиш ва молиялаштириш манбай бўлган маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган курилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳларда шартноманинг умумий қиймати **КҚС 67 827 262 билан 520 009 010** (Беш юз йигирма миллион тўққиз минг ўн) сўм, шундан **КҚС 67 827 262** (**Олтмиш етти миллион саккиз юз йигирма етти минг икки юз олтмиш икки**) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг хисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлашишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан

пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг П-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблагни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофик топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета ҳужжатларида хисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёrlарига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

4.4. Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равиша қабул қилиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджетмаблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг³⁰ фоизи микдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда

ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолиши ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар кийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур обьект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* *буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича

Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўйсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, *Пудратчидаги* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриши ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтисослашган, кўп ишлар тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олиш талаб қилинади.

2).. Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган обьектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гурух томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- 11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачигабуюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. *Пудратчибуюртмачига* ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этиши;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартарафа этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

- 13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- 13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
- 13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 авгуистдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмиrlаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

- буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмиrlаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи**пудратчи* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи**буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Буюртмачи**Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* курилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармаси
Тошкент вилояти Янгийўл туман Ахил
МФЙ Самарқанд кўчаси
Ш/х: 100022860272597065200110001 ИНН:
206 105 483 ОКЭД
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор

М.Достонов



ПУДРАТЧИ

«CHINOZ SUPER INDUSTRIYA» ЧП
Тошкент вилояти Қўйичирчик тумани
х/р 20208000900595870001
ИНН 303831238 ОКЕД
Узсаноат курилиш банк Тошкент ф-ли
МФО 00440



Директор

Д.Фоипов

INDUSTRIYA

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 148668 на приобретение Тошкент вилояти Янгийул туман «Шодлик» МФЙ темир йул ёкасида болалар спорт майдончаси, воркаут ва болалар уйингохи барпо килиш (жихозлар урнатиш) хамда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 17.09.2022

Время рассмотрения 17.09.2022 11:32

Закупочная комиссия Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|-----------------------------------|---|--|
| Председатель комиссии | DOSTONOV MUSURMAN ISMATULLAYEVICH | Direktor | Komissiya rayisi |
| Секретарь комиссии | MAJDOVA NILUFAR ABDURAXMONOVNA | Котиба | Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | BABANAZAROV BAYMURAT KARSHIYEVICH | Бош иктисадчи | Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | VOIYSOV ABDUKARIM ABDUSALOM | mexanik | Obodonlashtirish |
| Член комиссии | Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich | Infratuzilma obektlaridan foydalinish bo'lim boshlig'i. | Azo |
| Член комиссии | SULEYMANOV MARAT EREJEPOVICH | Obodonlashtirish obektlarni saqlash bo'lim boshlig'i | azo |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.09.2022 года № лота 148668.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|-------------------------------------|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга озеленения территории |
| Подробное описание | Услуга озеленения территории |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 594 638 701.00 |
| Стартовая сумма | 594 638 701.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот солик ва бошка йигимлардан карздорлиги йуклиги тугрисида майлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 25 | Текстовое значение | 25 | Экспертная | | |
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 25 | Буюртмачи тавсифига кўра | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Обектни урганиш далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 25 | Текстовое значение | 25 | Экспертная | | |
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 25 | Буюртмачи тавсифига кўра | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилот гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 25 | Текстовое значение | 25 | Экспертная | | |
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 25 | Буюртмачи тавсифига кўра | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Бажариладиган иш хизматлар кафолати хамда таклиф этилаётган нарх маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 25 | Текстовое значение | 25 | Экспертная | | |
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 25 | Буюртмачи тавсифига кўра | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|-----------------------------|-----------------|--------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------|---------------------|-------------------------|
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 594 638 701.00 | 584 544 438.00 UZS | 584 544 438.00 | 00.00 | 584 544 438.00 | 16.09.2022 10:16:20 | 17.79194 |
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 594 638 701.00 | 520 009 010.00 UZS | 520 009 010.00 | 00.00 | 520 009 010.00 | 15.09.2022 22:19:56 | 20 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-----------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| AVTOYO'L BUILD MCHJ | 48 | 17.79194 | 65.79194 |
| ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA | 80 | 20 | 100 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 148668 от 17.09.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Янгийул туман «Шодлик» МФЙ темир йул ёкасида болалар спорт майдончаси, воркаут ва болалар уйнингхи барпо килиш (жихозлар урнатиш) хамда ободонлаштириш ва қукаламзорлаштириш ишлари определила победителем:

ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA
303831238

и резервный исполнитель: AVTOYO'L BUILD MCHJ (307041079)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|-----------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | DOSTONOV MUSURMAN ISMATULLAYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich | Согласен | |
| Член комиссии | SULEYMANOV MARAT EREJEPOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | VOIYSOV ABDUKARIM ABDUSALOM | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektiining tashkilly-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'ilq nomi)

"CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirigan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.03.2016

716

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

303831238

Tashkilly-huquqiy
shakli:

Xususiy korxona

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Quyichirchiq tumani, Do'stobod, NAVQIRON MFY
NAVQIRON KO'CHASI 12 UY,

Guvochnoma:

Toshkent viloyati, Quyichirchiq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organining to'ilq nomi):



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Янгийўл туман Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиги

М.Достонов

БАЁННОМА № 17/09



Янгийул тумани

"21 09" 2022 йил

Раислик қилувчи:

Янгийўл туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги

М.Достонов

Қатнашчилар:

комиссия аъзолари

КУН ТАРТИБИ

Тошкент вилояти Янгийул туман «Шодлик» МФЙ темир йул ёкасида болалар спорт майдончаси, воркаут ва болалар уйнинги барпо килиш (жихозлар урнатиш) хамда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари

2022 йил 09 сентябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул туман хокимиятининг" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Конуннинг 62-моддаси З-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 сентябрдаги баённомасига асосан ЧП CHINOZ SUPER INDRUSTRIYA ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

A. Воссов
С. Бахтиёрхан
Р. Эндибеков

А.Д.
С.Х.Р.
Р.Э.Б.

MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.

“CHINOZ SUPER INDUSTRIYA” XK hamda Yangyo’l tumani obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasida shartnoma, umumiy summasi 520 009 010 (Besh yuz yigirma million to’qqizming un) so’m bo’lgan Yangyo’l tumani Shodlik MFY temir yo’l yoqasida bolalar sport maydonchasi, vorkaut va bolalar uyingohi barpo qilish hamda obodonlashtirish va kukalamzorlashtirish ishlariga doir pudrat shartnoma loyihasi.

3. Loyerha taqdim etuvchi to’g’risida ma’lumot: Shartnoma loyihasi “CHINOZ SUPER INDUSTRIYA” XK tomonidan ishlab chiqilgan. Yangyo’l tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan Markazga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 21.09.2022 yilda kiritilgan.

4. Ushbu shartnoma loyihasi fuqarolik kodeksi hamda 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli “Xojalik yurituvchi sub’yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi. Shuningdek, loyiha ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining O’zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O’RQ-684-sonli “DAVLAT XARIDLARI TO’G’RISIDA”gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko’ra o’tkazilgan tanlashni o’tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 17.09.2022 yildagi № 148668 lot orqali “CHINOZ SUPER INDUSTRIYA” XK g’olib deb topilgan.

Yuqorida keltirilganlarga hamda huquqiy ekspertiza natijalariga asosan,

XULOSA:

Birinchidan, Loyerha va unga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilgandan so’ng amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq degan xulosaga kelindi;

Ikkinchidan, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to’g’ri o’tkazilganligi hamda komissiya a’zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiropi to’grisidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas’uliyat xarid komissiyasi raisi va a’zolarida ekanligi tushuntiriladi;

Bundan tashqari uchinchidan, loyerha taqdim etuvchiga, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagagi PQ-594-sonli “Davlat budgetining g’azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori talablari asosida G’aznachilik bo’limidan majburiy tartibda ro’yxatdan

o`tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro`yxatdan o`tkazilgandan so`ng kuchga ega bo`lishi to`g`risida ma`lum qilinadi.

Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihatni bilan bog`liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.

Yangiyo`l tumani adliya bo`limi yuridik xizmat ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti
22.09.2022 yil



X.Murodjonov